

КИШЛОК ХАКШИКАТИ

1990 йил 1 март
ПАЙШАНБА
№ 50 (4.844.)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар кун чикади

Баҳоси 3 тийин

МАРТ, ЯЪНИ ҲАМАЛ:

Тўқсон чиқиб, ҳаво тобора исий боради. Фасллар келинчаги— навбахор атрофга ўз сепини ёяди.

Табиат уйғонади. Кўклам даракчилари бўлган қалдирғочлар учиб келади. Кўк юзида турналар аргумчоқ солади.

Дехқон даласига ошиқади. Тупроқ қизиб, ерга бафака уруғи тушади. Ҳамма жойда экиш-тикиш авж олиб кетади.

Борлиқ яшил либосга бурканади. Қир-адирлардан қўй-қўзиларнинг маъраши эшитилади. Чўпонлар ҳаётида масъулиятли давр—тўл олиш мавсумининг қизғин палласи бу!

Борларда олма, ўрик, шафтоли қийос гуллайд. Ариқ ва анҳорлар ёқасини кўм-кўк майсалар қоплайди. Соҳибкорлар енг шимариб ишга киришадилар.

Кун аста - секин кеча-кундуз барабарлашади. 22 мартга келиб кеча-кундуз барабарлашади.

Ўлкамизга тарихий, хушчақчақ, аяъанавий байрам—Наврўзи олам ташриф буюради. Халқимиз бу қутлуғ айёмни зўр шоду хуррамлик билан кутиб олади. Оммавий сайиллар, тўй-ҳашам бир-бирига уланиб кетади.



Усмонали Қурбонов қарийб 20 йилдирки, Андижон районидagi Энгельс номи совхозининг сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилмоқда. Меҳнат аҳли бултур 42 гектар ерни ижарага олган эди. Самара кутилганидан зиёд бўлди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 480 центнерни ташкил этди. Бу — 1988 йилдагидан 100 центнер кўп.
Шу кеча-кундузда миришкорлар иссиқхонадаги эртаги қарам кўчатини оби-тобида шарварилмоқдалар. Ниҳоллар эрта-индин очяқ далага кўчириб ўтқазилди.
СУРАТДА: бригада бошлиғи Усмонали Қурбонов.
Р. АШУРОВ олган сурат. (УЗТАГ).

ДЕПУТАТ — ҲАММА ИШГА БОШ-ҚОШ!

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР, область, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари халқ депутатларига

МУРОЖААТ

Азиз депутатлар!
Жумҳуриятимиз бутун мамлакатда бўлганидек ниҳоятда мураккаб, зиддиятли бир даврни бошидан кечирмоқда. Ана шундай оғир шароитда халқимиз сизларга юксак ишонч билдирди. Бу йилги сайлов ҳаммангиз учун ҳақиқий синов бўлди. Эндликда халқ ҳокимиятининг янги Советлари ўз ишчи бошлаш арафасида турибди. Янги сайланган депутатлар фаолиятга, уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатига ҳамма умид боғлаяпти.
Халқимиз турмушининг қанчалик ноҳор эканлигини яхши биласиз. Уй-жойлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаб ва касалхоналар етишмайди, дўкон ва бозорларда қимматчилик, 9 миллион аҳолининг жон бошига олаётган даромади кун кечириб учун зўр-базўр етади. Бизда ҳозир бир миллиондан ортиқ ишсиз бор. Атроф муҳити, табиатнинг мувозанати бузилган. Орол фожиясидан ҳаммаши ташвишдамиз.
Шу каби кўплаб муаммоларни ҳал этиш Ўзбекистонимизда қайта қуришнинг бош мезонидир.
Республикамизда ҳозирги пайтда амалга оширилаётган бир қатор катта тадбирлар айнан шу мақсадга қаратилган. Пахта яққа ҳокимлигига чек қўйилляпти, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳарид нархи оз бўлсаюм ошляпти. 1,5 миллионга яқин қишлоқ оиласи ўз томорқасини кенгайтириб, уй-жой қуриш учун қўшимча ер олди. Суда ва қуриш материаллари ақратиб тобора кўпайтирилмоқда. Бошланғич синфлар ўқувчилари ва касалманд ҳокимлар аёлларнинг қўшимча бепул оқатлангани учун ўнлаб миллион сўм маблағ ақратилди. Қариялар ва ногиронлар учун нафақалар оширилляпти, интернат уйлар шароитини яхшилаш чоралари қўриляпти.
Шаҳар ва қишлоқларимизни қайта қуриш, уларни газ ва ичимлик сув ҳамда бошқа зарур ҳаётий эҳтиёж воситалари билан таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Пойтахтимиз Тошкентни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш программаси ҳам шу жумладандир.
Атроф муҳитини соғломлаштириш мақсадида Янгиқўтон химия заводи, бошқа ўнлаб зарарли корхоналар епилди. Аҳолини иш билан таъминлаш учун қишлоқ шаҳар ва қишлоқларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи турли фабрика ва цехлар, район марказларида, бевосита хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш комбинатлари қуриляпти.
Халқимизнинг аерлар давомида кўз қорачиғидек сақланиб келган урф-одатлари, тили ва маданияти, ақида ва аяъанавий байрами дам олш кунин деб эълон қилинди. Тарихини ёзлов ҳаракат келажакни ўйлаш демакдир. «Мерос» деб аталган давлат ҳаракат дастури амалга оширилла бошланди. Юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг вакиллари ҳам ўз милли-маданый эҳтиёлларини қондириш учун тобора кўпроқ ижтимоийта эга бўлишляпти.

Халқ халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини тубдан ўзгартириш, тақомиллаштириш, уларни биринчи навбатда турмуш учун зарур моллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш борасида жуذا катта ишлар қилиниши керак.
Ешларга эътибор кўчяйди, уларнинг ҳозирги кунда энг зарур бўлган ихтисосларни эгаллаши учун тегишли шарт-шароит яратилляпти. Барча вилоятларимизда иқтидорли болалар учун махсус интернат-мактаблар очилляпти. Истеъдодли ешларимизга мамлакатимиздаги, чет эллардаги энг нуфузли ўқув ва илмий марказларда таълим олш учун йўлланмалар берилляпти. Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида ўз ифодасини тошган.
Кўп ишлар қилинляпти, лекин тўғрисиини айтиш керак, бутун мамлакатимизда, жумҳуриятимизда кечаётган оғир вазиятдан ўзларининг тубан мақсадлари йўлида фойдаланяётган кимсалар ҳам бор. Улар ҳаммамизга аён камчиликларни рўқат қилиб, одамларни айниқса ешларни гиж-гизлаб, тўс-тўполонларга давят этляптилар, фожияли воқеалар, миллатлараро низолар, хунрезлик, жаҳолат ва адоват содир бўляпти.
Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун баракда кўтарилади, дейди халқимиз. Сиз билан биз ана шу ҳикматга амал қилиб, халқимизни ҳаттоки, бало-қазога грифтор қилмоқчи бўляётган, унинг тақдирини гаровга қўйиб бўлса ҳам, ўз мақсадларига эришишни истаётган ана шундай кимсаларнинг тажавузидан асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.
Бу борда депутатлар зиммасига айниқса катта масъулият юкланади. Ахир, сизлар халқнинг муқтор вакиллари сиз. 70 миңдан ортиқ депутат чакана куч эмас. Энди ҳар бир вилоят ва шаҳарда, район ва қишлоқда ҳокимият сизларники. Биринчи қадамларингиз хосиятли бўлсин.
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва ҳўкуматидан то қишлоқ Советларига раҳбариятга кимларни сайлашимиз керак? Албатта, улар ким бўлишдан қатъи назар, партия аъзосини, йўқми, энг иш билармон, энг адолатли, энг иродали, халқ учун ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр кишилар бўлиши керак. Бунга ишончимиз комил. Халқимиз етти ўлчаб бир кес, дейди. Демак, барча Советларда раҳбариятга сайланган номзодларни шохша-шошарлик билан юзани муҳокама қилмай, қуруқ гап ва ваъдабозликка йўл қўймай, оддий қилиб айтганда, саралаб танлаш шарт. Токи, уларнинг ҳар бири халқ тақдирини учун масъуллигини, жавабгарлигини биринчи кундан, дастлабки қадамлардан ош ва бутун фаолияти давомида астойдил ҳис этсин, халқ ишончини амалий ишлар билан исботласин.
Ҳаммамизга халқ фаровонлиги йўлида толе ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ СССР ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ҲАМДА СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети қарор қилади:
1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи президенти лавозимини таъсис этиш зарур, деб ҳисоблансин.
2. СССР президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси асос деб қабул қилинсин.
3. СССР Олий Совети Президиумига СССР Олий Советининг комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда СССР Олий Совети сессиясизда айтилган тақлифлар ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, маъмур қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш тоширилсин.
Аниқлик киритилган қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилинсин.
4. СССР президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи сьезди муҳокамасига тақдим этилсин.
СССР Олий Советининг раиси М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 27 февраль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧИНЧИ СЬЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети қарор қилади:
СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи сьезди 1990 йил 12 март кунин Москва шаҳрида чақирилсин.
СССР Олий Советининг раиси М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 27 февраль.

СССРДА ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАДИМИ?

27 февраль кунин СССР Олий Совети палаталарининг эрталабки қўшма мажлиси М. С. Горбачев раислигида очилди. Кун тартибига кўра, СССРда президент ҳокимияти ҳамда шу муносабат билан мамлакат Конституциясига зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.
Олий Совет Президиумининг тошйуригига биноан ушбу масала юзасидан депутат В. Н. Кудрявцев доклад қилди. Тақдим этилаётган қонун лойиҳаси — деди у, социалистик ҳуқуқий давлатни шакллантириш мураккаб жараёнининг жиҳатларидан биридир. Халқ депутатларининг биринчи сьезди тузган янги қонун чиқариш системаси ўзини тўла оқлади, қонунийлик фаолиятининг сифати сезиларли даражада ўсмоқда. Бироқ, афсуски, қонунлар ижроси тўғрисида бўндай деб бўлмайди. Шу муносабат билан, деб таъкиллади нотий, кейинги вақтда матбуотда митингларда ва давлат идораларида ҳам давлат системасининг ўзгариш зарурлиги, конкретроқ тапираётган бўлсақ, мамлакат президентини лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масала тобора тез-тез муҳокама қилинмоқда.
Нотий янги қонун лойиҳасини тақдим этиш ва давлат ҳокимиятини тақозо этаётган асосий сабабларни изоҳлаб, коллегия раҳбарлик (СССР Олий Совети Президиуми)нинг аввалиги таърибаси, айниқса жадал қарорлар қабул қилиниши зарур бўлидиган ҳолларда бошқарувнинг самарасиз эканлигини кўрсатди. Олий Совет Президиуми президент лавозимини таъсис этишни тақлиф қилар экан, партия билан давлат вазифаларини аниқ белгилаб олиш, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органларини шилли мувофиқлаштириш, ниҳоят мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш зарурлигига амал қилди, деди.
Президентнинг асосий вазифаларига келганда, қонун лойиҳасида у ўз давлати бирлигини муҳасамлаштириш мамлакат ичкарисини ва халқро майдонда унинг вакилидир, деб таъкидланди. Президент — партиявий, адолатли ёки миллий келишмовчиликларни назорат қилиши, мамлакатдан бутун давлат ва сийсий турмушчи мустаҳкамловчи восита бўлиши лозим.
Давлат бошлигининг янги лавозими таъсис этилиши билан СССР халқ депутатларининг сьезди ва парламентнинг ваколати ўзгармайди. Улар чиқарган қонунлар ва қарорлар президент учун мажбурийдир.
Президент лавозимини жорий этишда унинг фаолиятини назорат қилишга катта эътибор берилди, деди нотий. Давлат бошлиғи бутун халқ сайлаши керак, бироқ мамлакатдаги ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб, биринчи президентни халқ депутатларининг навбатдан ташқари сьезди сайлаш мумкин бўлур эди. Президент ваколатлари мудатли сьезд ваколатлари мудатли сьезд ваколатлари тагулчи — лийн тўрт йил мудатга белгилиниши мумкин бўлур эди. Президент Конституцияни бузган тақдирда уин фақат сьезд мудатдан илгари қақриб олиши мумкин. Президентнинг фаолиятини конституцион назорат комитети қондор қилиб туради.
Сессия муҳокамасига тақдим этилган қонун лойиҳаси юзасидан қизғин мунозара бошланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАРКИБИДА БАЗИ РАЙОНЛАРНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
1. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1988 йилда тугатилган маркази Козонкетган қишлоқ аҳоли пунктдаги Бўзатов районини тиклаш ва унинг таркибига Кейгайли районидagi Ерқиндарё ва Козонкетган, Мўйноқ районидagi Аспантой ва Чимбой районидagi Кўксув овулларини бериш тўғрисидаги Фармони тасдиқлансин.
2. Халқ депутатлари Бухоро, Қашқадарё, Самарканд ва Сирдарё область Советларининг ижроия комитетларининг Ўзбекистон ССР таркибиде 1988 йилда тугатилган қуйидаги районларни тиклаш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин:
Бухоро области бўйича: мазмурий маркази Бешработ қишлоқ аҳоли пунктда бўлган Навбахор району тикланиб, унинг таркибига Нарвайн районидagi Олчин, Арабсарой, Гигант, Қизил Октябрь, Туркистон ва Янгиқўтон қишлоқлари берилсин.
Қашқадарё области бўйича: мазмурий маркази Помук қишлоқ аҳоли пунктда бўлган Бахористон району тикланиб, унинг таркибига Усмон Юсупов районидagi Помук, Советобод ва Чаманзор қишлоқлари берилсин.

Самарқанд области бўйича: мазмурий маркази Гўзалкент қишлоқ аҳоли пунктда бўлган Большевик району тикланиб, унинг таркибига Паст Дергом районидagi Гўзалкент, Илчи ноили, Калинин ноили ва Чимбой қишлоқлари берилсин.
Сирдарё области бўйича: мазмурий маркази Зарбдор қишлоқ аҳоли пунктда бўлган Зарбдор району тикланиб, унинг таркибига Зомин районидagi Бўстон шаҳар посёлкаси ва Ленин йўли, Ударник ҳамда Янгиқент қишлоқлари берилсин.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ НАРИМАНОВ ШАҲРИНИ ТУГАТИШ ВА УНИНГ ТЕРРИТОРИЯСИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАРКИБИГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
1. Халқ депутатлари Тошкент область ва шаҳар Совети ижроия комитетларининг Тошкент областидаги Нариманов шаҳрини тугатиш, унинг территориясини Тошкент шаҳри таркибига бериш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.
2. Таърифига ва график тасвирга мувофиқ Тошкент шаҳри чегараларига қисман ўзгаришлар киритилсин.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ ТАРКИБИДА СЎХ РАЙОННИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
Халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитетининг Фарғона область маркази Равон қишлоқ аҳоли пунктда бўлган Сўх районини тузиш, унинг таркибига Оқунбобоев ноили, Равон, Сўх ва Хушёр қишлоқларини бериш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЛЕНИН РАЙОНИ ТЕРРИТОРИЯСИНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЛЕНИНСК ШАҲАР СОВЕТИНИНГ МАЪМУРИЙ БЎЙСУНУВИДАН ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
Халқ депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетининг Ленин району территориясини халқ депутатлари Ленинск шаҳар Совети мазмурий бўйсунувидан чиқариш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАРКИБИДА БЕКТЕМИР РАЙОНИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Тошкент шаҳри таркибиде Бектемир районини тузиш, унинг таркибига Тошкент шаҳрининг Тошкент областидан берилган собиқ Нариманов шаҳри чегараларидagi территориясининг бир қисминини бериш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.
Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссиясида

КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссиясида КПСС Марказий Комитетига тушган ва оммавий ахборот воситаларида баён этилган тақдирларни умуллаштириб, «КПСС XXVIII съездида делегатлар сайлаш тартиби» лойиҳаси-

ни тасдиқлади. Ушбу лойиҳани бундан кейин билдирилган фирм-мулоҳазалар ва тақдирларни ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми муҳокамасига тақдим этиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳа

КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАШ ТАРТИБИ

КПСС XXVIII съездида делегатлар сайлаш тартиби партияда кенг муҳокама қилинмоқда. Коммунистлар съезди натижалари энг аввало делегатлар составига боғлиқ эканлигини адолатли деб ҳисоблаб бу масалага катта аҳамият беришмоқда. Улар КПСС съездида, шунингдек иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездаларида, ўлка, област партия конференцияларига муқобил асосда делегатлар сайлаш тартибини, ҳар бир коммунист мамлакат олий партия анжумани составини тузишда қатнашиш имкониятини беришни қатъий талаб қилмоқдалар.

Партия ташкилотлари, коммунистлар ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб, КПСС XXVIII съездида делегатлар сайлаш тартибиди қуйидаги тартиб тақдим этилади.

Съезд делегатлигига номзодларни бошланғич партия ташкилотлари кўрсатадилар. Кам сонли ташкилотларнинг коммунистлари бу имкониятларни район, шаҳар партия комитетлари утказадиган қўша мажлисларда амалга оширадilar. Бунда беллашувини, муқобилликни, номзодларнинг сиёсий ва маънавий фазилатларига ҳолис баҳо беришни таъминлаш зарур. Улар қайта қўриш жараёнида ўзларини ижобий жиҳатдан кўрсатган ҳамда партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашишга лойиқлиги бўлган орабунли партия аъзолари, ишчилар сиёсийнинг деҳқонлар ҳамда зиёлиларнинг муносиб вакиллари бўлиши мумкин.

Номзодлар партия ташкилотларида ва оммавий ахборот воситаларида партия сиёсати ва амалий ишларнинг асосий масалалари юзасидан ўз позициясини баён этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Партия ташкилотлари ўз номзодларини бошқа партия ташкилотларида кўллаб-қувватлашни юзасидан иш олиб боришлари мумкин.

Кўрсатилган номзодларни делегатлар сайлаш тартибига қараб район, шаҳар партия конференцияларида муҳокама қилиш мумкин. Бунда район ёки шаҳардаги КПСС аъзоларининг умий сони, турли тақдирлар киритиш имконияти ҳисобга олинади. У ёки бу номзодни кўллаб-қувватлаш қай даражада қўллами ва фаол эканлиги назарда тутилади. Ингиллишлар ва конференцияларда номзодларни кўрсатишга доир қарорлар қатнашишларнинг хоҳишига қараб очик ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул этилади. Кўрсатилган номзодларнинг рўйхати эълон қилинади.

КПСС XXVIII съездида делегатлар сайлаш тартибига партия ташкилотларидаги аъзолари улар фазолияти шарт-шароитларини ва коммунистларнинг фикрини ҳисобга олиб, област, ўлка партия ташкилотларининг, иттифоқдош республикалар компартияларининг пленум-

лари белгилайди. Бунда бир ва кўп мандатли партия сайлов округларида делегатларни тўғридан-тўғри сайлаш мумкин.

Бир мандатли сайлов округларида сайлов. Бу ҳолда пленум КПСС XXVIII съездида делегатлар сайловини ўтказувчи комиссияни сайлайди. Комиссия бошланғич партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетларининг тақлифига биноан партиянинг структуралари ҳамда КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган вакилик нормасини ҳисобга олиб, партия сайлов округларини тузади. Округлар бир неча район (шаҳар) партия ташкилотларини қамраб олиши мумкин. Округларда округ сайлов комиссиялари тузилади.

Округ сайлов комиссияси бошланғич партия ташкилотларидан сайлов ўтказилишини назорат қилади, коммунистлар съезди делегатлигига номзодлар билан танишишлари учун шарт-шароит яратди, округ бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрлайди ва бошланғич партия ташкилотларини улар билан таъминлайди, округ бўйича сайлов натижаларини аниқлайди.

КПСС XXVIII съездида делегат сайлашга доир ишнинг овоз бериш бюллетени округ бошланғич партия ташкилотларида кўрсатилган барча номзодлар, округлар бир неча район (шаҳар) партия комитетлари қамраб олган жойларда эса район (шаҳар) партия конференциялари қўллаб-қувватлаган номзодлар киритилади.

Сайлов округи доирасида съезд делегатини сайлаш юзасидан яширин овоз бериш бошланғич (бошланғич ташкилот ҳуқуқи бўлган) партия ташкилотларида ўтказилади. Бу ташкилотлар шу мақсадда ҳисоб ва комиссияларини сайлайдилар. Мазкур ташкилот ҳисобидан турданган коммунистлар рўйхати асосида район, шаҳар партия конференциялари делегатлар сайлашга ўхшаш сайлов ўтказилади.

Округдаги КПСС аъзоларининг яримдан кўпроги қатнашган сайлов ҳақиқий ҳисобланади. Бирор бир номзод сайловда қатнашганларнинг яримдан кўпрогининг овозини олмаган округларда биринчи даврада «нг кўп овоз тўплаган» икки номзод қайтадан овозга қўйилади.

Партия комитети пленуми туздан комиссия КПСС XXVIII съездида делегатлар сайловини якунларини област, ўлка партия конференцияси ёки иттифоқдош республика Компартияси съездида маълум қилади. Агар округ бўйича сайлов бўлмаса, деб ҳисобланса, шунингдек овозга қўйилган номзодлардан бирортаси, шу жумладан қайта сайловдан кейин ҳам етарли овоз олмаган тақдирда област, ўлка партия конференцияси, иттифоқдош республика Компартиясининг съезди бўш қолган мандат учун КПСС съездида бевосита делегат сайлайди.

УМИДБАХШИЛИК

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида ҳаракат дастури лойиҳаси коммунистлар, меҳнатқилларнинг барча қатламларида катта қизиқиш уйғотмоқда. — Уқитувчи ва талабаларимиз ушбу сиёсий ҳужжатни кунт билан ўрганмоқдалар, — дейди Вўз педагогика билим юртининг директори Тулганбой Низоов. — Айниқса маориф ва маданият соҳасида ўртага қўйилган тақдирлар бизга маъқул. Лойиҳада шу мақсадларга маблаг ажратилиши қўлайтириш, ўқитувчининг орабунли ошириш, маънавий соҳадаги маъмуриятчиликни ҳамда гуруҳлар манфаати устулининг бартаф этиш, маданий ва маънавий ме-

нинг аксарияти ёшлардир. Яқин келажакда қишлоқларда бир қатор саноят корхоналарининг филиаллари очилиши лозим. Бизнингча, бу муаммони ҳал этишнинг ягона амалий йўлидир. Қишлоқларда иш жойларини ташкил этиш, кенгайтиришнинг ибратли тажрибалари йўқ эмас. «Партия XX съезди» совхозида йилгига беш миллион банка консерва чиқарадиган завод қурилиши олиб боришмоқда. Бироқ ускуналар етарли эмаслиги, қурилиш материаллари камлиги, унинг биттишини пайсалга солмоқда. Қолхозлар, медицина муассасаларида ўтаётган муҳомаалар, мунозаралар чоғида ҳаракат дастурининг аҳоли соғлигини, меҳнат

ча республикалардан товарлар харид қилмаиз. Афғонистондан ҳам мамлакатингизга турли юклар юборилмоқда. Ўзбекистоннинг ўзинга Афғонистон республикаси деҳқонлар кооперативлари уюшмаси, Афғонистон республикаси савдо министрининг «Дўсти» фирмаси билан, шунингдек «Барат», «Тошқўрғон», «Хон Ширин Ганнода», «Паки кишимин Навоий» хусусий коммерция фирмалари ва бошқа фирма-

ХУШХАБАРЛАР

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Меҳр-муруват — амалий ишдан иборат бўлиши керак — Наманган область ижroiя комитети ходимлари шундай деб ҳисоблашади. Бу ерда партия, совет ва хўжалик органларининг давлат нарҳида гўш билан махсус таъминлашга барҳам бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Илгари шу ҳақиқатлар учун ажратилган фондлар энди ёлғиз ва маоши кам граждандларни таъминлаш учун сарфланади. Бу гўштин Намангандаги ва қишлоқ районларидаги айниқса муҳтож бўлган етти мингга яқин аҳоли мухтазам олиб туради.

Бундан ташқари область ижroiя комитетининг қарорига мувофиқ республика Соғлиқни сақлаш миносирагининг тўғричи бошқармасига қарашли касалхона ёпилади. Илгари бу ерда раҳбар ходимлар ва уларнинг оила аъзолари даволашшарди. Энди эса бу ерда область ўқитувчилари учун кардиология касалхонаси жойлашади.

«СЕРФАРЗАНД» МАГАЗИНИ

Наманганда кўп болани оилалар учун магазин очилди. Илгари хўжалик керак бўладиган буюмин қидириш топиш учун кўпчида анча вақтин сарфлаб юрган қарамон оналар энди бундай ташвишдан халос бўлидилар. Улар иختисослаштирилган «Серфарзанд» магазинига мурожаат қилсалар қилсалар.

Бу ерда сотиладиган моллар турли жуда сиқинқлаб танланган: аёлларга керак бўладиган энг зарур нарсалар озуғунлар. Магазинда хўжалик буюмларинга эмас, хилма-хил аёллар кийимлари ҳам савдо қилинади. Бу ерда болаларга алоҳида гав-хўрлик кўрсатилади. Улар керак бўлган молларни махсус ажратилган бўлимдан сотиб олишлари мумкин.

ЖАСОРАТ СОЛНОМАСИ

Ўрта Осен темир йўли Фарғона бўлимининг инқилобий, жанговар ва меҳнат шухрати жамоат музейининг кўрғазмасини тўлдирган янги стенд «Улар номини ёдимизда тутамиз» деб номланди. Кўрғазма фашизм устидан қозонилган Галабанин қаньяда ишониланадиган 45 йилгига муносабати билан очилди.

Стенда темирйўлчиларнинг оғир уруш йилларидаги жанговар ва меҳнат жасоратлари тўғрисидаги материаллар, фронтларда ҳалок бўлганларнинг фотосуратлари қўйилган. Улар орасида сержант Геннадий Репин, гвардиячи кичик лейтенант танкчи Пётр Максимов ва бошқалар бор. Мазкур стендаги кўпгина материаллар куч-қувватларини аямал, фронтира Ватан ҳимоячиларини учун мухтазам равишда ўқидори ва озин-қўқат етказиб бериб турган қўқонлик пўлат ислар меҳнатқилларнинг жасоратлари тўғрисида ҳам ҳисоб қилади.

КИЧКИНТОИЛАР АРДОҚДА

Мўйновлик 140 нафар қичкинтой янги болалар боғчасига қатнайдиган бўлди. Боғча экология ҳалокати районида амалий ёрдам беришга аҳд қилган Наманган область аҳолисининг кучи ва маблағлари билан қурилади. Болалар мактабгача тарбия муассасасининг икки қаватли биноси буюртмачи — Наманган область ижroiя комитети капитал қурилиш бошқармасига 723 сўмга тушди. Бундан ташқари, болалар боғчасини меъбел, ошқона ва бошқа хўжалик анжонлари билан жиҳозлаш учун область бюджетидан қўшимча 54 минг сўм ажратилди.

Уйчи районидаги 138-механизациялаштирилган кўча колонна қурувчилари объектга виждонан ишладилар: улар бинони атиги етти ой ичида қуриб битказдилар. Бунда хон ашё ва қурилиш материаллари Оролбўйи шаҳарчасига Наманган областидан теъда етказиб келинганилиги ҳам катта роль ўйнади.

С. Л. Тонянчи билан суҳбатлашди. Ўзбекистон ва Афғонистон кооператорлари ўртасидаги савдо-сотик муносабатлари муаммолари муҳокама қилинди. 1990 йилги битим лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур битим биргаликдаги фаолиятимиз дастури бўлади.

Айни пайтда Тожикистон ва Туркменистон матлубот кооперациясининг вакиллари ҳам биз билан учрашув учун Тошкентга келишди.



Республикамизда чорвачиликни пухта йўлга қўйган бақувват хўжаликлар қаторида Сирдарё районидаги «Малик» совхози алоҳида ўрин тутди. Сермеҳнат юмушларни механизациялаш, тармоққа интенсив усулларини жорий этиш борасида зарбдор соҳа жонқурлари янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишапти.

ЮТУҚ САЛМОҒИ ВА ҚАМРОВИ

ФОТОРЕПОРТАЖ



— Чорва маҳсулотлари йил сайин қўпайётганига сабаб нима? — сўраймиз Дармон Чилтоновдан.


— Агар озуқа базиси мухтаамлиги дессам, ҳаммага маълум ганини айтган бўлам. Назаримда, ферманинг оғир кочини зиммасига олган чорводорларга кўрсатилаётган тамхўрлик жуда муҳим омил бўлаётди. Айрим жойларда чорвачилик деса ўзини олиб қочадиган ходимлар учрайди. Бизда эса фермада ишлаш ҳаммага ҳам назиб қилвермайдиган чорвадорлик фахрли касб бўлиб қолди.

Шундан сўнг бригадир бизни ферма ичкарига тақлиқ қилди. Эгнимизда сутдек опоқ халат. Атроф оозда. Тўйимли емиш билан боқилётган говмиш танаси йилтиллади.

Сигирсоғарлар Эргашой Йўлчибоева ва Зинаида Набиуллина соғилган сутни махсус доканадан ўтказиб, идишга солишаётган экан. Улардан сал нарида Саловот Аҳтамова ўз қарамониданги сигирлар ҳолатини кузатиб юрибди.

У. МУҲАМЕДОВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Соврон Даврон ва Дармон Чилтоновлар гадагга вазиқлар хусусида суҳбатлашапти. 2. Пешқадим сигирсоғарлар Эргашой Йўлчибоева ва Зинаида Набиуллина иш устиде. 3. Назардо буюқлар майдончасида.



Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

МАТЛУБОТЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Афғонистон республикаси деҳқонлар кооперативлари уюшмасининг раиси Нур Ваҳоб Сапаид Тошкентга бўлди. Унинг ташрифи совет-афғон савдо муносабатлари тарихидаги муҳим санага тўғри келди. Бундан етти йил илгари, 1983 йил март ойининг бошларида Термиздан Ҳайратонга совет товарлари туркуми илк бор Аму-

дарё устида қурилган янги кўприк орқали жўнатилган эди. — Ушандан буён ҳар йилда мамлакат ўртасидаги амалий савдо алоқалари мутасил ривожланиб мустақамлашиб бормоқда, — дейди Нур Ваҳоб. — Биз Советлар Иттифиқининг кўпгина минтақаларидан, жумладан Ўрта Осиёдаги бар-

лар билан амалий алоқа ўрнатган. «Союзвнешторг» вакиллари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Тошкентда эса биз «Ўзбекбирлашув» вакиллари билан, «Ўзбеккоопвнешторг» бирлашмасининг бош директори

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИ ИМКОНИЯТЛАРИ

27 февраль кунин Тошкентда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Урта Осиё бўлимининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон олимлари қатнашдилар. Бўлимининг 1989 йилдаги иш якунлари муҳофизат қилинди.

Урта Осиёнинг қишлоқ хўжалиги фани жуда катта имкониятларга эга эканлиги йиғилишда ўқиб ўтилди. Бу ерда 80 тадан кўпроқ илмий тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, технология тадқиқотлари ҳамда бошқа тадқиқотлар ва олий ўқув юрталари жойлашган. Уларнинг ишда ўз миқлиб илмий ҳодимлар, икки мингдан кўпроқ фан кандидат ва юзлаб фан доктори қатнашмоқда. Улар тармоқ фанини юксалтириш, илм-фан ахллариини ишлаб чиқариш ҳодимларига ёрдамини кўпайтириш учун анча-мунча иш қилмоқдалар.

Урта Осиё бўлимининг ҳамма илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш бўлимлари тўла хўжалиқ ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказилди. Асосини, мана шу жуда катта имкониятлардан ҳали ҳақдан ташқари самарасиз фойдаланилётганини йиғилиш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими ва унинг институтлари қўриқчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга суи таъсир ўтказмоқдалар. Пахтачиликдаги, сабзавотчиликдаги (ейниҳиса ус ти ёпиқ ерга экилган сабзавотчиликдаги), галлчилик ва емшахак экинлари ештиришдаги ҳосилдорлик пести. Асризмнинг сўнгги чораги мобайнида пахтачилик технологияси муҳимроқ ўзгаришлар киритилган йўқ. Ҳолбуки, республикада барпо этилган

«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Бутуниттифоқ пахтачилик технология маркази бўлиш ролидан, афсуски, маҳрум бўлиб қолмоқда. Ундаги тадқиқотларнинг савияси пест, ишда изчиллик, давомийлик йўқ. Ғўза селекцияси ва уруғчилик муаммолари хусусида ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими шанига доимий таъкид қилиб келинмоқда. Тўғри, кейинги бир неча йил мобайнида биринчи марта бултур Ўзбекистонда тўртта янги нав районлаштирилди. Аммо бу муваффақиятнинг нафси жуда кам бўлди. Республиканинг табиий-иқтисодий зоналари хилма-хил эканлигини ҳисобга олганда, ҳали ҳам тўқимачиликнинг талабларини қондира оладиган сермахсул навлар мутлақо етишмапти.

Уларга аниқ миқдорда чиғи экиш, қатор оралирини юмшатишни механизациялаш даъражасини ошириш, ғўза сурғошини машиналаштириш, пахта машинада териб ва тўқилган пахтачи йиғиштириб олиш пайтда унинг нобуд

бўлишини тугатиш — пахтачилик механизациялашнинг энг долзарб муаммоларидир. ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими ва Урта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти шу пайтга қадар барпо этилган машина-механизмларни жорий этиш ишда муносиб қарарга кўрсатмаптилар.

Бир неча йиллар мобайнида «Средазсельхозмеханизация» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси турли вазишларини бажарадиган ва экинларни чопиқ қиладиган кучли тракторлардан фойдаланиш масалаларини ўрганиб келмоқда. Аммо шу дамба қадар ақин истиқболдаги трактор паркиннинг структураси белгилаб олинган йўқ.

Урта Осиё республикаларида ижара ва пудратнинг ҳар хил турлари тобора кенг қулоч ёзмоқда. Бироқ Урта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтда мана шундай шароитда машина-трактор паркиндан фойдаланишнинг аниқ

концепцияси ҳамон ишлаб чиқилмаган, институт конструкторларнинг ихчам машиналарини ишлаб чиқиб билан амалда шуғулланмаптилар. Йиғилиш иштирокчилари аҳолин қарошча билан таъминлашдаги тақчиллик регионда ҳали ҳам камейтирилмаганини таъкидлаб ўтдилар. Ўзбекистон сабзавот, поливэкинлари ва қарошча илмий-тадқиқот институти етиштириб берган қарошча уруғчилиги шу пайтга қадар ишлаб чиқаришга жорий этилмаган. Институт олимлари вирусиз қарошча етиштириш устида беш йилдан бери ишлаётган бўлсалар ҳам, деҳқонлар иштироғига унинг уруғчилиги топширилганча йўқ.

Урта Осиё республикаларида фан билан ишлаб чиқариш ҳали ҳам тароққ ҳолда ишламоқда. Олимлар бирикми йилдан кейин жорий қилиш учун нимагадир тайёргарликларини ишлаб чиқариш ҳодимлари билмайди-лар. Шу сабабли улар фан-техника тараққилини ютуқларини тез ўзлаштириш учун за-

рур базани тайёрлаб қўя олмайдилар.

Барпо этилган етти илмий-тадқиқот системаси бу соҳада сезиларли иш қилгани йўқ. Улар махсулот етиштириш кўпайтириш, унинг сифатини ошириш суръатларига дуруст таъсир ўтказмади. Агроеконом ишлаб чиқаришини ривожлантиришга илм-фаннинг таъсирини кўчатириш аввало, тадқиқотлар даражасини, уларнинг комплекслигини оширишга боғлиқ.

Агроеконом комплексини илмий жиҳатдан таъминлаш учун махсул бўлган тақчилот сифатида ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими сув хўжалиги ва мелiorация, регион типроқларини ўрганиш, мавжуд технологияларни тақчилотлаштириш ва янги технологияларни яратиш каби муҳим комплекс муаммоларга бағишланган тадқиқотлар ўтказишига фаол таъсир қилмапти. Бошқача қилиб айтганда, Озёқ-оқат программасини илмий жиҳатдан таъминлашнинг бутун-бутун блоклари бўлимининг таъсир доирасидан четда қолиб кетди.

Ҳозир региондаги экология вазишнинг ёмонлашганиги

айниҳиса жиддий эътиборни талаб қилади. Булар барча олимлар учун биринчи гада шуғулланиш лозим бўлган муаммолардир.

Орол деңгизи муаммоси юзасидан 1990—2010 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари дестури ишлаб чиқилган бўлса, энди Тожикистон алюминий заводининг учкунлари атроф-муҳитни заҳарлаётганлиги муаммоси ҳам унинг ёнига қўшилди. Бу муаммоларни ҳал этишга барча илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрталари бош қўшишлари керак.

Йиғилишда илмий кадрлар тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди. Бу — илм-фани қайта қуришнинг бош масалаларидан биридир. Илм-фандаги муваффақиятни инсон белгилаб бериши ҳеч қимга сир эмас. Илмий қодимларнинг малакаси муносиб даражада бўлмаса, бу соҳага ҳар қанча маблағ сарфланса ҳам, ҳар қанча ўта зомонавий асбоб-ускуналар олиб берилса ҳам, ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Афсуски, кадрларни

тайёрлаш ҳозир зарур даражада кўтарилмаган йўқ.

Иқтисодий вазиш ва қайта қуришнинг бориши фан-техника тараққилини қарати билан жадаллаштириш ҳозирги бош вазиш эканлиги қайта-қайта ишонч ҳосил қилдирилмоқда. Бутун мамлакатда бўлгани каби регионда ҳам агроеконом комплексининг моддий базаси аниқ-равшан тарзда ўзгаририлмоқда, фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқаси кўчатирилмоқда, тадқиқотларнинг тақриб-экспериментал базаси мустаҳкамланмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси Урта Осиё республикаларидаги қишлоқ хўжалиги олимлари салбий тенденцияларни бартараф эта олишлари, илмий ишлаш-малариини самарадорлигини ошириш учун имкониятларни кидириб топиларига умид уйғотмоқда.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Урта Осиё бўлимининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов нутқ сўзлади. [У.ТАП.]

ОШКОРАЛИК ОЙНАСИДА

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАРМИ?

Хурматли редакция! Олий маълумотли юрист бўла туриб, мактубининг шундай савол билан бошланганимни босиб бор. Албатта, қонун ҳамма учун баробар. Аммо кейинги йилларда бу муқаддас тушунчага пур-тура етди. Қўлбал беғувоҳ одамлар кўз ўнгимизда ноҳақ жазоланишди. Вақт ўтиши билан ҳақиқат қарор топаяпти. Вўҳтон, тўхтади еки оқиндан-оқич хусусида қурбони бўлганлар яна рўшнолик кўраётдилар. Бунга фақат мактубининг ўзидан талай мисоллар келтириш мумкин. Лекин тўйдан кейин ногора қатилдан нима фойда?

Ошкоралик барча соҳаларда бўлгани каби ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам туб ўзгаришлар асамоқда. Аммо қайта қуриш нибоби остида қабиҳ ишларга қўл ураётганлар ҳам йўқ эмас.

Тўрт-беш йил муқаддам республикамиз ички ишлар органларида бир гуруҳ мутахассислар ёрдамида келинди. Суд, милиция, прокуратура муассасаларида янги кўчалар қўшилди. Афсуски, шол орасидан қурмак сингари иссиқ жой, яхши амал ёки оқиндан-оқич наоҳ қилб келганлар ҳам йўқ эмас. Эндиликда республика прокуратурининг ўринбосари О. Гайдаров, ички ишлар министрининг ўринбосари Э. Дидоренко каби «собиқ»ларнинг асл башаралари оғиб ташланди. Аммо ҳанузгача фаришта нибобида юрганлар ҳам бор.

Мен хизмат юзасидан уларнинг баъзилари билан ҳамон тўқнаш келаман. Бутун ўзбек халқини порахўр, юлғич деа оламга жар солаётганларини қилган ишларини кўриб нафратим қўзғаланидан қўлмага қалам олдим.

Милиция полковниги Анатолий Антонович Задорожний 1986 йил баҳоринда Урта Осиё темир йўли транспорт ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари этиб тайинланган, ниҳоят эркин нафас ола бошлади. Газетхонда «нега энди эркин нафас олар экан», деган савол туғилгани табиий. Шу боис республикамизга юборилган «тажрибали» милиция ҳодимини бу ерга қандай келиб қолганлигини қисқача ҳикоя қилиб бериш лозим, деб ҳисоблайман.

Қўлимда ички ишлар соҳасида узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан А. Плутенконинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,

республика Ички ишлар миносирлиги аризаси юзасидан ушбу муассаса кадрлар бошқармасининг собиқ ҳодими, ички ишлар подполковниги М. Эргашев раҳбарлигида ўтказилган хизмат текшируви баённомаси. Собиқ министр тасдиқлаган ҳамда унинг учта муовини имзо чеккан ҳужжатдан маълум бўлишича, полковник Задорожний ҳақиқатдан ҳам янги ишга жойлашган, «эркин нафас» олганлиги шундоқки-на сезилиб турибди.

А. Задорожний 1966 йилдан ички ишлар органларида хизмат қилади. 1985—1986 йилларда, яъни Тошкентда «ёрдам учун» юбонилгунга қадар Узоқ Шарқ темир йўли транспорт ички ишлар бошқармасининг бошлиги лавозиминда ишлаган.

Афсуски, Анатолий Антонович масъулиятли участкада коммуниста ҳос принципаллик кўрсата олмади. Агроеконом таъши-билишларини, ўзига содиқ ҳодимларни тўлдирди. «Шахсий салоҳат» қўрсатган авбларни қонунга хилоф равишда ишга қабул қилди. Уновиларнинг ошириди. Ушбу ҳаракатлари юзасидан СССР Ички ишлар миносирлиги хизмат текшируви ўтказиб, лавозимдан четлаштириди. Бошлангич партия ташкилиди ҳисоб қарточкасига ёзмалиқ шарт билан хайфсан берди.

Мамлакат Ички ишлар миносирлиги кадрлар бошқармаси ихтиёрида турган полковник орадан тўрт ой ўтгач, Ўзбекистонга юборилди ва юқоридаги лавозимга тайинланди. Министрлик сиёсий бўлимида ҳамда Ленин район партия комитетиде бўлиб ўтган суҳбат чоғида у партиявий жазосини ва аввалги вазифасидан нега четлаштирилганлигини яширди. Ички ишлар хизмати ветерани аризасини ўрганган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия комиссиясини ҳам чағиртишга ҳаракат қилди.

Урта Осиё темир йўли транспорт ички ишлар бошқармаси партия ташкилоти Марказком тоширигига биноан коммунист Задорожний фаолиятини муҳофизат этиб, аввалги вазифасида йўл қўйган хатолари ҳамда партиявий жазосини яширганлиги, шунингдек эндиликда эгаллаб турган лавозимини суиҳисомол қилганлиги учун ҳисоб қарточкасига ёзиш шарт билан қаттиқ хайфсан берди. Полковник яна лавозимдан четлаштирилди.

Бир қарашда ҳақиқат қарор топгандай. Аммо мени

ташвишга солаётгани шундайки, пенсияор А. Плутенко аризасида Задорожний лавозимидан фойдаланиб, қонунга хилоф равишда «Минск-15М» ҳолодилинини ўзлаштиригани ҳамда шаҳар марказидан яшаш майдони ола аъзолари сонига нисбатан ортинча уй олганлиги хизмат текширувида қонуний деб топилаган. Тошкент станицяси ички ишлар бўлимининг терговчиси, милиция майори Х. Эгамназаров олиб борган тергов натижаларига кўра эса ўғирланган далилий ашёлар сифатида суд ҳукми чиққунга қадар магазин топирилган ҳолодилинлик ҳақиқатдан ҳам ноқонуний йўл билан полковник уйда пайдо бўлгани асослаб берилган.

Подполковник М. Эргашев нега ҳақиқатин бўяб кўрсатишга ҳаракат қилди?

Аслида қўлга тушган ўғирлардан олинган ва вақтинча магазинга топирилган 7 та ҳолодилиннинг яна учтаси транспорт милицияси турли лавозимларида ишлаган ҳодимлари қўлга ўтиб кетган. Воқеанинг чиғаллашиб, жиний ишга айланганидан хавотирланган подполковник келишувчиликка йўл қўйди. Натижада ҳалол йўл тутган терговчи ёмон ортиқ бўлиб қолди.

Қисқача изох шундай: Урта Осиё темир йўли транспорт милицияси бошқармаси Тошкент станицяси бўлими терговчиси Х. Эгамназаров чиқарган қарорни икром этиш учун қабул қилиб олган Тошкент станицяси ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, майор В. Александров лавозимидан фойдаланиб, ноёб молни ҳаммасилари — Урта Осиё темир йўли транспорт ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиги О. Отажонов (ҳозир бошқарма бошлиги ўринбосари вазифасини бажарувчи), Қўзил тўқимачи станицяси ички ишлар бўлими бошлиги Н. Можар билан бўлиб олишди. Йиғилган пулни В. Александров ишчилар таъминоти қарашли 7-магазин мудири Э. Одиловга элтиб берди.

Шу тариқа ноқонуний ишга республика Ички ишлар миносирлигининг ўша пайтдаги сиёсий бўлим бошлигини подполковниги В. Отажонов йўл қўйган хатолари учун эндиликда бошқа вазифада ишлармоқдагига туғишган укаси О. Отажонов ҳам аралашиб қолди. Муаммонинг туғиши айна мана шу ерда ўз ечимини топди. Подполков-

ник М. Эргашев бевосита раҳбари раъйига қарши боқромай ҳолодилин масаласини чуқурлаштирмади. Тегишчи ҳужжатни ҳамирдан қил суғургандай сийлиқ тайёрлади. Собиқ министр тасдиқлаган текширу хулосасида таъкидланганича, манасидан сунистемол қилган темир йўли транспорт ички ишлар бошқармаси ҳодимлари В. Александров, Г. Нечипорук, И. Можар, В. Отажонов бошқарма бошлигининг оператив йиғилишида огоҳлантирилдилар.

Уй масаласида эса Задорожний икромкомдагиларни қонлаб лақиллатди. Мавжуд қондага биноан ҳарбий хизмат полковниги ортинча яшаш майдонига олишга ҳақли. Милиция полковниги эса бундай имтиёзга эга эмас. Лекин Задорожний икромкомга тегишли «қорғоз» тўдириб келгач, кенг-мўл уйлик бўлиб олди. Шунгача яшаб турган жойи — Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ётоқхона-меҳмонхонаси ҳам ижара ҳақининг бир қисмини тўлади, холос. Бу ҳақда, республика Молия миносирлиги назорат-тафтиш бошқармасининг Тошкент шаҳри бўйича бош назоратчиси ўринбосари Х. Алимов, бирлашма бухгалтери Л. Стонт, ётоқхона-меҳмонхона директори Н. Қолташова имзо чеккан ҳужжат ҳам М. Эргашев эътиборидан четда қолди.

Хуллас, республикамиз ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлаш учун юборилган «тажрибали мутахассис»нинг ҳурмати қилинлари қағида яна анча гапириш мумкин. Қизилки, шунча гап-сўздан кейин ҳам СССР транспорт милицияси бош бошқармаси яқиндаги полковник А. Задорожнийни Тошкент аэропорти транспорт ички ишлар бўлими бошлиги вазифасига тасвиия этганлиги қилини ҳайрон қолдиради. Ҳушيارки, Ўзбекистон ССР Ички ишлар миносирлигининг янги раҳбарияти масалага жиддий ёндашди. Унинг номзодини рад этиб, оқилна иш туғди.

Ушбу мактубин ёзишдан мақсад битта: у ҳам бўлса қўриқдаги саволга жавоб қилиш. Кейинги йилларда арзимидан хатолари учун қўлбал тажрибали ҳодимлар кўпайиб кетганлиги, уларнинг қоронда номлари энг этилганлар бир курсидан иккинчисига ўтказиб қўйилди, холос. Наҳотки қонун барчага баробар бўлмаса?!

Х. ҚУҶҚОРОВ,
ҳуқуқшунос.

У. Қаримов: — Охири марта қачон партия йиғилишида қатнашгансиз?

— Эзелолайман... Хуллас, коммунистлар ҳисобот беришдан бирорта жўяли жавоб олинди. Сўнгра йиғилиш иштирокчилари сўз олиб, коммунист Д. Ибодов ҳисоботига ўз муносабатларини билдирдилар. Якунида иккита тақлиф тушди:

1. Огоҳлантириш.
2. Хайфсан бериш.

Битта ортинча овоз билан «огоҳлантириш»га қарор қилинди.

Қўйил-э! Шуни айтдилар-ки, «инюк» коллектив деб. Ёки бу ерда бошқа бир гап борми?

Бизингича, йиғилиш протоколига яна бир жумла қўшиб қўйилганда айна мундо боўларди: «Уэр, ўртоқ раис, қимматли вақтингизни олиб, бироз безовта қилишга журъат этдик. Огоҳлантиришимизни ҳам расман уэр ўрнида қабул этишингизни сўраймиз».

Акс ҳолда шунча оворгарчилиги ташвишдан мақсад нима? Масаланинг бу томони район партия комитетига ҳавола.

Т. АБДУРАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



ЛЬВОВ. Республика биотехнология маркази ўзи учун одатдан ташқари қасбни тайлади. Совет, Велгия ва Фарбий германиялик шекарларнинг биргаликдаги куч-гайратлари билан ташиқ этилган марказ негиздан тузилган «Силуэт дандан» тикуччилик қорхонасида модали хотин-қизлар кийимлари чиқарила бошланди. Уни сотишдан тушган валюта илмий тадқиқотларни компьютерлаштиришга, зотли чорва молларини ҳарид қилишга сарфланади.

КУЙВИШЕВ. Аввал Куйбишев шаҳар икромия комитетига ажратилган дала ҳодимлари масивни байналмилалчи жангилар шаҳар бирлашмасига берилди. Бирлашма участкани имтиёзли шартларда ижарага олади. Бу ерда озгина ҳақ тўлаб ўнлаб «афғон» оналари дам олишлари мумкин. Дала ҳовлилар шаҳар яқинда бўлиб, шахсий транспорт бўлмаганлар учун жуда қулайдир.

ЗАПОРОЖЬЕ. Харидор-гир «Таврия» кичик автоташмақ тақомиллаштирилмоқда. «Коммунар» автоташмақ заводининг бош конвейеридан янги модификациядаги биринчи «АЗ-110206» машинаси тушди. Конструкторлар ва дизайнлар машинанинг ички ва ташиқ қўриқини яхшиладилар. Бу йил автоташмақ заводи ишчилари қамид 40 янги ташиқ режалаштирилмоқда.

ҚОЗОН. Фёдор Иванович Шалляпиннинг вагани — Қозон шаҳрида унинг номи билан аталувчи опера фестивали очилди. У буюк рус қўшқинчиси туғилган кунининг 117 йиллигига бағишланган. Фестиваль қатнашчилари орасида ташиқ совет қўшқинчилари бор. Биринчи марта фестивалда хориздан келган меҳмонлар — ГДР ва австриялик артистлар қатнашадилар.

ЛЕНИНГРАД. Ленинградлик график рассом Энгель Насибуллин А. С. Пушкин вафот этган кунининг 153 йиллигига нодир совға тайёрлади. У шоир асарларидан тузилган жажжи китобчию юз нускада расмини чиғди, ёзда ва муқоволади. Китобчага «Қиш оқшоми» туркуми ҳамда шоир 1824 йилда ёзган саккизликларга расм-фантазия кирган.

ТОЛДИҚУРҒОН. Ушўбун район марказ Балхаш бўйидаги саҳрода жойлашган бўлиб, у ерост соф чуқук сув манбаига улади. Берлик деган жой қағида ерост дарёси топилаган эди. Район марказидан ўша ерга ўттиз километрик қувур ётқизилди. Янги комплекс бу ерда ишлаб чиқилган «Тоза сув» программасига мувофиқ қурилади, бу программани ишлаб чиқишда табобат ҳодимлари фаол қатнашадилар. Программа райондаги барча аҳоли пунктларига қувурдан сув келтиришни кўзда туғди. Сўнги йилларда юздан ортин қишлоқ ва овул тоғли ичимлик сув билан таъминланди.

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

БАҲОРНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Табиятда байрам. Қўз илгамас далаларга, туя ўрқач адири-қирларга, осмонга етгудек юксак тоғларга, чеки йўқ саҳро — ва чўллارга гўзал саҳро — баҳор таширф кўриди. Нафосат кўриги, гўзаллик намояиши, гуллар бағири бошланди ўнгу сўлда. Ғир-ғир эсан майин сабада даладан далага, тоғдан боқча, қирдан қирга, тоғдан тоғча чопиб, завқ-шаҳқ улашади. Ҳис-туғиларини ихзор этишга монанд сўз излайди табиатнинг бу безабон сайёҳи Нави эди ортакларданги каби бир юмаласига одам бўлиб қолса! Қир-адиллар ёнбағрида бодроқ-бодроқ бўлиб қиққан боғчақлар, би-нафшалар, чўчумоллар лабидиғи ханда, юзлаган табасумини биёрон-биёрон сўзлаб берарди. Табиат бағрини яшнатган ранго-ранг гуллар бутун тасдиқлагандек аста-аста тегранди, назокат билан бош эгари.

Олам қанчалар гўзал бу кун! У тўйда башанг кийинган келичакдек дилрабо ва жонобдор. Бағридаги ҳамма нарса чирой ва кўрк кашф этган.

Бўлай десанг табиатнинг меҳмони,
Далага чиқ, томоша қил дунёни,
Қуёш тўқар икки қўллаб эвни,

Илҳом берар булбулларнинг достони.

Гўзал баҳор қўли гул мушавир каби борлиқни сеҳрли рангларга бўйди. Қаламай бодом, олма ва ўриклар оппоқ-оппоқ бўлиб гуллайди. Шоир айтганидек, ҳар йили шундай бўлади, яшарли, яшаш, покляниш, янгилиниш ҳар йили тақорланади. Чўчумоллар жилва-сини, бинафшалар табасумини тасвирлашга қалам ожиз. Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал деганлари бу!

Табиат кашф этган турфа гўзалликлар дили яратарди, қўнглини яшнатади, тилни сайратарди. Хушон қушлар забонга кирди бу кун. Улар тоғторлардан бошлашди наво қилишни. Шоҳдан шоҳга кўниб, хонинг улашади улар. Ранго-ранг гуллар ҳиди, боғлар таровати шайдо



Жилғаларда тўлқин бўлиб Завқ-шаҳқ оқиб келар, Соҳилларга гийҳлардан Бағралар тақиб келар. Қўллари гулхан қилиб Қўллари ёқиб келар.

Бу баҳор исёни, ҳар йили қиш рутубатини енгиб, табиатни тирилтириш, уни янгилаш, поклаш, гўборлардан ҳалос этиш учун бош кўтарди Борлиқни қайта туғилгандек ўзгача қилиб кўрсатди кўзимизга. Аслида ҳам шундай. Адир-қирлар, боғлар ўзгариди, замин эътибор-эътибор нафас олади. Ана, бир қаранг:

Парку буглар қўкка йўл олди,
Тарк этди ер — онажонини.
Энди сақлаб туролмай қолди

Лорсилдоқ ер ҳаяжонини.

Буни деҳқон седи. Замин зорини тинглаш, унинг оҳига етиш учун у далага чиқди. Омиқдор деҳқон белини маҳкам боғлаб, тағин буюк буюк ёқдорлик ишларига даст урди: эл-орт дастурхонини тўқини этишга, улкан хирмон кўтаришга, шу йўл билан дунёдаги энг узоқ давлат — доғий Ленин пойдеворини маҳкам қилиб урган Советлар мамлакатининг белини янада бақувват этишга қарор берди.

Меҳнат Алпоминининг сўзи сўз. Ғўлбарс изидан қайтмас деганларидек, у сўзида ҳаминча устивор турган. Берган ваздасини шараф билан удаллаб, Ватани олдига юз ёруғ бўлиб келган. Табиатдаги бугунги яшарли, жамаитимизда бошланган қайта қуриш, покляниш, янгилиниш жараёни унинг тоғлас билаларига, кучга ҳайрат, хоримас илқиларига дармон ҳон қоратга қўр қўзларига нур бағишланмоқда. Энди у берган сўзини бажармагунча тиниб-тинчимайди.

Тошди қаблнинг хис-туғилари
Метин тўғон, қирғоқларидан.

Отилади ҳаяжонлари Юрларнинг булоқларидан.

Талъат СОЛИБЕВ.

ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ?

